# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 17 январь. Жума № 5 (5.778). Сотувда эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН ГЕОЛОГЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Сизларни Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилганининг 70 йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайман.

Ўзбекистонимизни дунёга машҳур этган омиллардан бири — унинг ғоят бой минерал-хом ашё ресурслари эканини барчамиз яхши биламиз. Заминимизда юздан ортиқ қазилма бойлик турлари аниқланиб, 940 та кон фойдаланишга тайёрланди. Топилган захиралар асосида 400 дан зиёд йирик корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Навоий ва Олмалиқ комбинатлари каби рангли металлургия гигантлари борки, номини бутун олам аҳли яхши билади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонда олтин захиралари бўйича тўртинчи ўринда, олтин қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринда туради. Марказий Қизилқум саҳроларида очилган Мурунтов кони XX асрнинг энг йирик кашфиётларидан бири деб баҳоланган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб, геология ва кончилик иқтисодиётнинг энг устивор соҳаларидан бири деб эълон қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига муҳим ҳисса қўшаётган янги комбинатлар ва қўшма корхоналар барпо этилди.

Азиз дўстлар, геолог ва кончилик энг оғир ва энг шарафли касблардан биридир. Шуни яхши англашингизни истардимки, не-не синовлар ва машаққатли меҳнат билан кечаётган ва иқтисодиётимизни янада мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятингизни Ватанимиз, халқимиз юксак қадрлайди ва муносиб баҳолайди.

Сизларни Ўзбекистон геология хизматининг 70 йиллиги билан яна бир бор самимий муборакбод этаман. Янги-янги кашфиётлар билан Ўзбекистон довруғини дунёга янада кенгроқ таратишингизга ишонаман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман.

**Ислом КАРИМОВ.**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЧЕХИЯГА ТАШРИФИ

***ПРАГА, 15 январь. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади).*** Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Чехияга келди.

Бугун эрталаб Прагадаги ҳукумат уйида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Президент Ислом Каримовга Чехия Бош вазири Вацлав Клаус пешвоз чиқди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Чехия давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва Чехия Бош вазири В. Клаус ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шундан кейин Ўзбекистон раҳбари ва Чехия Бош вазири иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бошланди.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳамда Чехия Бош вазири ўринбосари И. Кочарник имзолашди. Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Чехия Саноат ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Чехия «Коммерчни банки»и ўртасида ҳам ҳужжат имзоланди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Чехия сенати ва вакиллар палатасига ташриф буюриб, парламент раҳбарияти билан учрашди. Ўзбекистон Президенти шарафига қабул маросими уюштирилди.

Тушдан сўнг Президент Ислом Каримов Прага қасрига келди. Бу ерда фахрий қоровул саф тортди ва икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ушбу хабар узатилаётган пайтда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Чехия Президенти Вацлав Гавел ўзаро холи суҳбатлашмоқда. Суҳбат сўнгида Ўзбекистон Республикаси билан Чехия республикаси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида Қўшма баёнот имзоланиши кутилмоқда. Ҳужжатни Ўзбекистон ва Чехия давлатлари раҳбарлари имзолайдилар.

Мамлакатимиз раҳбари бугун Прага мэриясига ҳам ташриф буюриб, шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар кенгаши аъзолари билан учрашади.

Ўзбекистон Президентининг Чехияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Гулистонда Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу борада тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар мамлакатимиз раҳбарияти қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама тараққий эттиришни устувор йўналишлардан бири деб қараётганини таъкидладилар. Бу борада вилоятда муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликларга зудлик билан барҳам бериш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Жумладан, Оқолтин, Меҳнатобод, Мирзаобод, Сирдарё, Ховос туманларида кузги-қишки дала ишларини талаб даражасида деб бўлмайди. Шўр ювиш, ғалла майдонларини суғориш ва озиқлантириш, техникани таъмирлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Йиғилишда туман ҳокимларининг бу борадаги аҳволни ўнглаб олиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Йиғилишда аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини тубдан яхшилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди, тегишли тадбир белгиланди.

Вилоят ҳокими У. Исмоилов йиғилишда сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Қаҳрамонлари*



## МИЛЛИЙ ҒУРУР ҚАЛБДА ЖЎШСА

Касаба уюшмаси йўлланмаси билан санаторийга бордим. Бироқ учинчи куниёқ уйни, қадрдон далани қўмсадим. Унинчи куни чемоданни йиғиштирдим. Она қишлоғимга яқинлашган сайин ҳаяжоним ортарди. Боғ оралаб қадрдон далага етдим. Бир сиқим тупроқни кафтимга олишим билан вужудим жунбушга келди. Шунда бу табаррук замин, мўътабар маскан юрагимга қанчалик яқинлигини ҳис қилдим.

— Э, баракалла!

Раиснинг товушини таниб у томон юзландим.

— Дам олишни ҳам яримта қилибдилар-да, — аския қилди Ҳусниддин Жўраев. Сўнг самимий кўришаркан муддаога кўчди:

— Уста, кеча юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқларини телевидение орқали зўр эътибор билан кўриб тингладим. Ғаллачиликни ривожлантиришга катта эътибор бериш лозимлигини яна алоҳида уқтирдилар. Бу иккимизнинг ҳам юрагимиздаги гап. Маъқул десангиз ғаллакорлар бригадасини тузсак, унга ўзингиз бош бўлсангиз. Қандай ёрдам бўлса биз тайёр.



**Содиқжон АБДУРАСУЛОВ, Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи**

Пахта мавсуми охирлаб борарди. Энг тадбиркор, эътиқодли деҳқонларни ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирдик. Бир нарса мени ғоят ғурурлантирди: Фахриддин Содиқов, Муҳиддин Исмоилов, Дилшод Овулов, Мамадали Мансуров, Йўлдошали Ҳошимов кабилар бажонидил янги бригадага ўтдилар. Улар қандай улуғ ишга дахлдор бўлаётганликларини қалбдан ҳис қилишганди. Ғалла мустақиллигига муносиб ҳисса қўшиш учун енг шимариб ишга киришдик. Сара уруғ танладик, ҳар қарич ерни эъзозладик. Қишли-қировли кезлар майсалар енгил озиқлантирилди. Музга тушган ўғит аста эриб, кўчат илдизига етиб бориб, бамисоли малҳам бўлди. Бизнинг соҳада ҳеч қандай сир йўқ. Гап ҳамма тадбирни вақтида, сифатли қилиб бажаришда қолган. Кейин экинни пайҳон бўлишидан асрай ҳам билиш керак.

Миллий ғурур қалбда жўш урса, инсон мўъжиза яратишга қодир экан. Ахир ҳамма имконият бўлатуриб нега четдан жуда катта маблағ эвазига дон келтирилади. Ғалла мустақиллигига бемалол эришиш мумкин-ку! Мана шу саволнинг мағзини чақиб ишладик. Одамларимизнинг баҳоси йўқ. Улар лозим бўлганида кечаю-кундуз фидойилик кўрсатдилар. Биринчи йили ҳосил чакки бўлмади. Ҳар гектар ердан 41 центнердан ошириб бошоқли дон йиғиштириб олдик. Моддий манфаатдорлик таъминланди.

Хўжалик раҳбарлари иш юришганини кўриб ғамхўрликни кучайтиришди. Қўшимча техника, ишчи кучи ажратилди. Кўнгилли бўлиб сафимизга қўшилишни ният қилганлар кўп эди. Қўлидан иш келадиган, тажрибакорларнигина райини қайтармадик. Ғалла майдонлари 227 гектарга етказилди. Бригада бошлиғи сифатида одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, маданий-маиший шароитни яхшилаш хусусида алоҳида бош қотирдик. Шийпонга олимлар, мутахассисларни таклиф этиб, ғаллачиликдаги янгиликлардан бохабар бўлдик. Қайноқ кунларнинг бирида бир механизатор менга юзланиб бригадага ишга олишимни ўтиниб сўради. У энг яхши заршунослардан бири эди. Шу боис иссиқ жойини совутмасликни маслаҳат бердим.

— Уста, — деди қатъий оҳангда моҳир деҳқон. — Йигирма йил оқ олтин етиштирдим. Армоним йўқ. Энди иккинчи бағоят улуғ ишга ўзимни бағишламоқчиман. Ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳаётим мазмунига айланди.

Дилим яйраб кетди. Ажойиб ҳамқишлоғимдаги ғурур, ифтихор кўнглимни тоғдек кўтарди. Бундайлар билан ҳар қандай вазифанинг уддасидан чиқиш мумкин. Одамлар ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб қаттиқ меҳнат қилишди. Ғаллазорда бегона ўт бўлмаслигига эришдик. Юзимиз яна ёруғ бўлди. Ҳар гектар ердан 50,4 центнердан сифатли дон янчиб олдик.

Қаҳрамонлик насиб этган йили омад жуда юришди. Ерга дон сочадиган кунимиз шийпонга қишлоқнинг энг табаррук кишиларини йиғдик. Отахонларга ош дамланди. Улар оламшумул ишларга бош-қош бўлаётган, элим, юртим деб ёниб-жўшиб фаолият юритаётган Президентимизни қайта-қайта дуо қилишди. Деҳқончилик соҳасида мен зўрман, дейдиган киши янглишади. Ўшанда нуронийлар мўл ғалла етиштиришнинг қатор нозик сирларидан бизни бохабар қилишди. Сифатли тайёрланган ерга сара дон сочдик. Ўша йили чунонам ҳосил бўлдики, бошоғини кўтараолмай қолган ғаллазор бамисоли улкан денгизни эслатарди. Боз устига «Кейс»лар жонимизга оро кирди. Ғалла ўрими зўр уюшқоқлик билан олиб борилди. 315 гектар ернинг ҳар гектаридан 68 центнердан дон олишга эришдик. Қувончлиси шуки, унинг барчаси уруғликка қабул қилинди. 40 нафардан ортиқ ижарачи ваъдага вафо қилдик. Олди жамоаларда ҳосилдорлик гектарига 71 центнерни ташкил этди. Исроилжон Исмоилов, Йўлдошали Ҳошимов каби комбайнчилар ҳам мавсумнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлишди. Мақтаниш эмас, шундай қилиб қалбида Ватан ишқи, миллий ғурур жўш урган фидойилар меҳнат қилаётган жамоамизда мўл, арзон ва сифатли дон ҳосили етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Тажрибалар оммалашаётганлиги кўнглимизни кўтариб, масъулиятимизни оширмоқда. Жорий йил натижалари янада баракали бўлади.

Дон — эл ризқи, дастурхонимиз кўрки, бебаҳо бойлик. Ғаллакор деган табаррук номни қўлдан келганича улуғлайверамиз.

*Баҳор тараддуди*

## ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ БЎЛСИН

НАМАНГАН вилояти хўжаликлари баҳорги экиш ишлари учун таъмирланган қишлоқ хўжалиги техникасини қабул қилиб ола бошлади. Экиш мавсумигача машина-трактор паркларини ташкил этиш ишларини ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда вилоятдаги «Деҳқонмашсервис» акционерлик жамияти таркибида бешта парк ишлаб турибди. Баҳоргача яна саккизта парк тузиш режалаштирилган.

Бу йилги экиш ишларида бутунлай янги техника ишлатилади. Масалан, «Қўғай» акционерлик жамияти ишлаб чиқарган техникадан фойдаланиб, чигит плёнка остига экилади. Баҳоргача вилоят хўжаликларига бундай техникадан 400 таси етказиб берилади. Шунингдек, ғилдиракли ҳайдов тракторлари муаммоси ҳам ҳал қилинмоқда. Намангандаги «Агромаш» акционерлик жамияти жамоаси россиялик ҳамкасблари билан биргаликда бундай тракторларни ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил қилишни режалаштирмоқда.

## СЕЯЛКА СИНАБ КЎРИЛДИ

Бу йил Хоразм воҳаси далаларида чигитни плёнка остига экиш катта майдонларда синаб кўрилади. Шу мақсадда «Урганчтаъмир» заводи инженер-техник ходимлари икки хил янги сеялка яратди. Уларни тажриба майдонида синаб кўриш яхши натижа берди. Корхона экиш мавсумигача хўжаликлар учун юзта шундай сеялка тайёрлаб беради.

## ҚОР — БАРАКА

Деҳқончиликнинг ҳар бир куни — имтиҳон. Бу синовдан аълога ўтиш учун устивор меҳнат ва ғайрат-шижоат талаб этилади. Тадбиркорлик ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилган деҳқончилик жамоаларида кутилган ҳосилни олиш мумкин.

Оиламиз деҳқон хонадони. Отам Файзулла Мирзаев 1996 йилдан бери кексалик гаштини сураяпти. Бизнинг фахримиз — ғууримиз шундаки, падарибузрукворимизнинг суяги меҳнатда қотган, умр бўйи деҳқончиликда тер тўккан. У кишининг касби механизатор. Кўп йиллар техника бошқариб, ғўза қатор ораларига ишлов берди, далаларга маҳаллий ўғит ташиди. Механизаторлик Файзулла Мирзаев номини элга ёйди. Оддий тракторчиликдан бригада саркорлигига сайланди. Қарийб 15 йилдан ортиқроқ хўжалигимизнинг 7-бригадасига бошчилик қилиб, ҳар йили пахтадан, ғалладан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олди. Жамоа ҳар бир аъзосининг қалбига йўл топиб, ўзи ҳам эл ичида иззат-обрў топди. Ҳозир мазкур бригадага отамнинг укаси Убайдулла Мирзаев етакчилик қилмоқда. Отамнинг тажрибаси, панд-ўгитлари ва маслаҳатлари билан иш тутиб, кўзланган мақсадга эришаяпмиз.

Менинг ҳам касбим механизатор. Тўрт йилдан ошди — «Т-28х,4» маркали тракторим билан далада тер тўкаман. Экишдан тортиб то ҳосилни саранжомлаб олгунча тракторим билан пайкал оралайман. Бошқа дала юмушларида ҳам ўз ўрним борлигидан чексиз қувончдаман.

Янги йилни яхши кайфият ва аниқ режалар билан бошлаб юбордик. Кузданёқ бригадамизнинг 40 гектар пахта майдонини сифатли шудгорлаб қўйдик. Ҳозир ариқ-зовурларни тартибга келтириш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ва бошқа қишки тадбирлар намунали олиб борилмоқда. 30 гектар ердаги ғалламиз парваришланмоқда. Майсалар ривожи яхши.

1996 йилнинг сарҳисоби қувончли. Хўжалигимиз ҳам, бригадамиз жамоаси ҳам пахта тайёрлаш йиллик режасини ошиғи билан адо этди. Ҳосилдорлик хўжалигимиз бўйича 30, бригадамизда эса 35 центнердан ошди. Айниқса Зафар Эшниёзов, Эшқувват Ҳамроев, Сайфиддин Бердиалиевлар бошчилигидаги оилавий звеноларда ҳосилдорлик бундан ҳам юқори бўлди.

Мана, кўпдан орзиқиб кутган кунлар келди. Далалар оппоқ қорга бурканди. Доно халқимиз «Қор ёғса, элга барака ёғади», деб жуда топиб айтган. Деҳқоннинг эзгу мақсади битта — у ҳам бўлса, йилнинг ҳар бир кунини қутга-баракага буркаш. Жорий йилимиз шарофатли бошланди — далаларимиз, насиб этса, ҳосилдан тўлиб-тошади, деган умиддамиз...

**Баҳодир МИРЗАЕВ, Иштихон туманидаги Азиз Йўлдошев номли деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси механизатори.**

## МУДРАМАНГ, ҲОСИЛОТ ТОҒА!

### *Лоқайдлик қалб фалажи*

Нима эксанг, шуни ўрасан, деган нақл бежиз айтилмаган. Ютуқлар, омад ўз-ўзидан келмайди. Юзим ёруғ, насибам бутун бўлсин деган деҳқон йил ўн икки ой жонини жабборга бериб ишлайди. Фақат гапда ишни дўндирадиган лоқайд кимсаларнинг қандай қилиб омади юришсин, бири икки бўлсин.

Чуст туманидаги «Баймоқ» деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмасида бўлсангиз ана шу фикр хаёлингизда жонланади.

Ўтган йили хўжаликда иш орқага кетди. Аксарият соҳаларда режа бажарилмади. Ҳар гектар ердан 39 центнер ўрнига 12,9 центнердан ғалла ҳосили олинди, холос. Пахтачиликда эса бу кўрсаткич 16,6 центнер бўлди. Давлатга қимматли хом ашё топшириш режаси 64,4 фоизда қолиб кетди. Раҳбару мутахассислардан «Ернинг умрини нега зое ўтказаяпсизлар?» деб сўралса турли баҳоналарни рўкач қилишади. Бош ҳосилот Раҳматилла Тошпўлатовнинг кам хафсалалилиги, колоқлик доғи виждонини қийнамаётганлиги бизни ажаблантирди. Энг таажжублиси, у иқтисодий кўрсаткичларни, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган камчиликларни яхши билмасди. Ижарачиларнинг ўзлари ёрдамлашишди.

Гап шундаки, хўжаликда дастлабки натижалар билан кифояланиб қолинди. Ўзаро талабчанлик йўқолди. Кўпгина бригадаларда белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаганлиги сабабли бажарилмай қоғозда қолди. Ерни шудгорлаш кечикди. Қиш ойларида етарли миқдорда ўғит жамғарилмади. Яхши тайёрланмаган ерларга барака уруғи қадалди. Муҳим тадбирларни амалга оширишда масъулиятсизлик қилинаётганлигини бош ҳосилот кўра-била туриб масалани бошқарув аъзолари олдига кўндаланг қўймади. Кимларгадир ёмон кўрингиси келмади. Оқибат натижада қатор пахтачилик жамоаларида кўчат сийрак бўлиб қолди, экин яхши ривожланмади. Ер маҳаллий ўғитга, нурига тўйинтирилмаганлиги учун ҳосил кечки бўлиб қолди. Биз бултур октябрь ойи ўрталарида хўжаликда бўлганимизда хайратлангандик. Йиғим-терим мавсуми қизғин паллага кирганда ҳам хўжалик далаларидаги ғўзаларнинг шиғил-шиғил кўсаклари ҳали очилмаганди. О. Турдиев, А.Холдоров, С.Ҳамроев, О.Ҳусанов бошлиқ бригадаларда йиллик режанинг 15-20 фоизи миқдорида пахта топширилганди, холос.

— Баъзи тажрибали саркорларга ишониб қимматли вақтни бой бердик, — дея афсус билан таъкидлаганди ўшанда бош ҳосилот Раҳматилла Тошпўлатов. Кечалари совуқ бўлиб, кўсаклар бодроқдек очилаяпти. Насиб қилса мўлжалдаги ҳосилни йиғиштириб оламиз.

Яратган кузни бериб, қуёшли кунлар деҳқонни қувонтирди. Бироқ бу ерда ялпи сафарбарлик таъминланмади. Мавсум мобайнида суръат кўтарилмади. Ҳосилотнинг ваъдалари пуч бўлиб чиқди.

Тўғри, ориятли, тадбиркор деҳқонлар раис ёки агрономнинг ёрдамини кутиб ўтирмай, ҳашар уюштириб муаммоларни ҳал этдилар. Агар ҳар бир тадбир вақтида сифатли амалга оширилса, бебаҳо бойлик ернинг ҳар қаричи эъзозланса, юқори ҳосил олиш мумкинлигини ижарачи Ҳ. Усмонов исботлади. У қадрдонлари билан қаттиқ меҳнат қилди. Илғорлар тажрибасини амалиётга дадил жорий этди. Натижада ҳар гектар ердан 60 центнердан бошоқли дон йиғиштириб олди.

Деҳқонларнинг бош ҳосилотга эътирозлари кўп экан. Улар ғаллага ҳосилдор ерлар ажратилмаганлиги, кимларгадир ўғит вақтида етказиб берилмаганлиги, техниканинг ночорлиги ҳақида куйиниб гапирдилар. Ҳосилот тоға кўп ўринларда ваъда берарди-ю, аммо бажаришга келганда лоқайдлик қиларди. Кўпни кўрган деҳқонлар вазиятни тўғри баҳолаб, чуст усулини кенг қўллашни қатъий таъкидлашганда ҳам Р. Тошпўлатов ҳаракатга тушмади. Ишонаверинг, Раҳматилла ака чигитни плёнка остига экиш усулининг моҳиятини ҳам тўла тушуниб етмаган кўринади. Яқин вақт ичида матбуотда ана шу мавзуда қайси мақолаларни ўқиганлигини сўраганимизда елка қисиб қўяқолди...

Бош ҳосилот ер, ҳосил тақдири учун энг масъул кишилардан биридир. Ахир бундай синиқ кайфиятда, «дунёдан бехабар», соҳа янгиликларидан бехабар бўлиб яшаппда, ишлашда қандай қилиб кўзланган мақсадга эришилади.

— Ижро интизоми, кадрларнинг топширилган иш учун масъулияти бўшаштириб юборилган экан, — дейди хўжаликнинг янги раҳбари М. Отажонов. — Сабоқлардан тўғри хулоса чиқараяпмиз. Қатор ўрта бўғин мутахассислари ўрнига ишбилармон, ташаббускор ёшлар тайинланди. Қишки юмушлар уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Ҳозирча керакли миқдорда ўғит жамғарилди. 140 гектар ер плёнка остида чигит экишга тайёрланди. Куни кеча фаоллар билан ўтказилган йиғилишда 80 ёшли Латифжон ота Деҳқонов: мудраманг, ҳосилот тоға, давр имиллашни кечирмайди, деб жуда тўғри танбеҳ берди.

**А.ҚОРАБОЕВ. «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## Жаҳон деҳқончилиги тажрибасидан

**Яқинда республика Вазирлар Маҳкамаси топшириғига биноан мамлакатимиз олимлари ва қишлоқ хўжалик ходимларидан бир гуруҳи академик, иқтисод фанлари доктори Расулмат ҲУСАНОВ бошчилигида Исроил давлатида бўлиб, қишлоқ хўжалигида юқори ҳосил олиш, пахта ва бошқа экинлар селекцияси, уруғчилиги агротехникаси, ўсимликлар зараркунандалари ҳамда касалликларга қарши кураш, сув, техникадан унумли фойдаланиш борасидаги тажрибалар билан батафсил танишдилар.**

**Қуйида олимларнинг сафар таассуротлари хусусида ҳикоя қилинади.**

# I. ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИЛАР КЕНГАШИ

Мазкур кенгашга пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сара уруғ ҳозирлаш ҳамда сотиш билан боғлиқ барча ташкилотлар киради. Киббуц ва машавалар, пахта тозалаш заводлари, маркетинг билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам унга аъзодирлар. Санаб ўтилганларнинг барчаси хусусий бўлиб, давлат кенгаш фаолиятига — пахтани етиштириш миқдори, қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш, толани сотиш билан боғлиқ нарх-наво ишларига, экспорт масалаларига аралашмайди.

Мамлакат бўйича 1996 йилда 30 минг гектар майдонда пахта етиштирилган. Унинг асосий қисми ўрта толали Акала типига мансуб навлардан иборат. Муайян миқдорда Пима типига кирвучи ингичка толали навдан ҳам фойдаланилади. Кенгаш маълумотларига қараганда Исроил бўйича 150 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилиб, унинг 50 минг тоннасини тола, 80 минг тоннасини чигит, қолган 20 минг тоннасини эса бошқа чиқиндилар ташкил этади. Ўртача гектар ҳосилдорлиги тола ҳисобида 16,7 центнер, хом ашё ҳисобида 50 центнер. Ўрта тола ғўза навларининг ҳосилдорлиги ингичка толаларга нисбатан юқори.

Мамлакатда 1980 йилларда пахта майдони 60—65 минг гектар бўлиб, йилига юз минг тонна пахта тола ва 150 минг тонна чигит етиштирилган. Бироқ сўнгги йилларда сув танқислиги кучли бўлганлиги сабабли пахта майдони 30 минг гектарга келтирилган. Қимматли хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш билан боғлиқ барча хўжалик ҳамда корхоналарда жами 1200 киши ишлайди, холос. Бир гектарда пахта етиштириш учун атиги 10 иш куни сарфланади. (Бизда эса 160—180 иш куни). Бундай юқори кўрсаткичга асосан пахта етиштириш технологияси ниҳоятда мукаммаллаштирилганлиги, барча агротехник жараёнлар механизациялаштирилганлиги ва автоматлаштирилганлиги ҳисобига эришилмоқда. Пахтачиликдаги ҳар бир ишчига ўртача 25 гектар майдон тўғри келади. Оқ олтин етиштириш билан банд бўлган кишиларнинг бир кунлик ўртача иш ҳақи 100 АҚШ долларини, пахтадан олинадиган умумий даромад эса 130 миллион долларни ташкил этади. (Бунга пахта толаси, уруғлик чигит, чорва озуқаси учун сотиладиган чигитнинг баҳоси киради). Бир гектар майдондан олинадиган умумий даромад ўртача 4000 долларга тенг. Шуни таъкидлаш жоизки, пахта етиштирувчилар жаҳон бозоридаги толага бўлган талаб, нарх-навога қараб иш олиб борадилар.

Пахтачилик кенгаши орқали фермерларга (хўжаликларга) банкдан кредит берилади. Кредит муддати апрель — декабрь ойлари ҳисобланиб унинг миқдори хўжаликда етиштиришга мўлжаллан-ган умумий толланинг 90 фоизи нархи ҳисобида белгиланади. Эътиборли томони — кредитнинг 95 фоизини тола сотилиш жараёнида қайтариш зарур. Қолгани иш ниҳояланганидан амалга оширилади. Бу фермерларни йил давомида ёқилғи, уруғ, ўғит, химикатларга сарфлаган харажатларни ўз вақтида тўлаб бориш имкониятини яратади. Демак фермер қийналмай, мумаммоларга дуч келмай бемалол мўл маҳсулот етиштира олади.

Кенгаш билан унинг аъзолари ўртасидаги муносабат ниҳоятда пухта ишлаб чиқилган. Қоидага кўра аъзолар — Киббуц ва Машавайлар ўз мулкига тўлиқ эгалик қилади. Ҳар бир фермер қайси экинни, қандай навни қанча ва қачон экишни ўзи мустақил белгилайди. Мамлакат бўйича 6 та пахта тозалаш заводи мавжуд. Ҳар бир заводнинг ўз фермерлари бор. Маркетинг ишлари фақат кенгашга юклатилган. Корхона эса фақат хом ашёни қайта ишлаб, толани чигитдан ажратиб беради.

Бу ерда пахта хом ашёсини қайта ишлаш (толани чигитдан ажратиш) жараёни эътиборга молик. Аввало пахта машиналар ёрдамида 90—95 фоиз очилтириб, бир маротада териб олинади ва даланинг ўзида махсус зичлагич ёрдамида кичик бунт қилиб қўйилади. У полиэтилен плёнкаси билан ёпилиб, ҳосил қачон терилганлиги, қайси фермерга қарашлилиги ёзиб қўйилади. Заводга келтирилган бунт тарозидан ўтказилиб, унинг тоннаси ёзиб қўйилади ва бевосита қайта ишлашга жўнатилиши ёки махсус майдончада қолдирилиши мумкин.

Толадан чигитни ажратиш жараёнида компьютер тола параметрларини ёзиб боради. Агар фермер ўз толасинииг параметрларига шубҳа қилса, ёки толани сотиб олувчи уни текшириб кўриш ниятини билдирса, махсус олиб қўйилган намуналардан такрорий анализ қилиш мумкин. Тола ҳам, чигит ҳам токи сотилгунча фермерларнинг шахсий мулки ҳисобланади. Исроилда чигитдан пахта мойи олинмайди ва пахта мойи истеъмол қилинмайди. Уруғликдан ортган чигит тўлиқ ҳолда молга озуқа сифатида берилади. Заводда чигит толадан ажратиш жараёни учун кетган сарф-харажат хом ашёни даладан олиб келиш харажатлари билан бирга ҳисоблаганда 1 тонна тола ҳисобига 210 АҚШ доллари, ёки 1 тоннаси учун 70 АҚШ доллари тўғри келади. Бу тола нархининг 10—12 фоизи демакдир. Бизда эса бу кўрсаткич 40 фоизга яқин.

Юқорида қайд этилган жараённинг кўпгина афзал томонлари бор, аввало мутлақо қўл кучи ишлатилмайди, хом ашёни ташиш учун кўплаб тракторлар, прицеплар, шарт эмас. Ундан ташқари пунктларда кўплаб хом ашё сақлаш майдончаларини тайёрлаб, катта-катта бунтлар ҳосил қилишга ҳожат йўқ. Энг муҳими пахта сорти, намлиги, ифлослиги каби кўрсаткичларга анализ қилишга ҳожат қолмайди. Бу ўз-ўзидан юзлаб лабораториялар бўлишига хожат қолдирмайди. Муҳим жараён билан боғлиқ бўлган барча нохуш холатларга чек қўяди, ҳисоб-китобни хом ашё билан эмас, тола билан олиб боришни таъминлайди. Мутахассисларнинг эътироф этишларича Исроил технологияси ҳар даладан ҳар муддатларда терилган пахтанинг бир-бири билан аралашиб кетишига йўл қўймайди, тола сифатини юқори даражада сақлаб туриш имкониятини яратади. Мамлакатда пахта хом ашёси уч ой муддат ичида қайта ишланиши, уни хом ашё сифатида эмас тола сифатида (КИП) сақлаш натижасида сифати бузилмайди, унинг жаҳон бозоридаги нархи юқори бўлишини таъминлайди. Фермернинг пахта сифатини белгилаш ва экспорт қилиш бўйича эътирози бўлса, кенгашга мурожаат қилади ва масала зудлик билан кўриб чиқилади.

Кенгаш Нью-Йоркдаги Бурсо биржасига аъзо, ва у билан кенг ҳамкорликда иш олиб боради. Кенгаш таркибида бир неча комиссия тузилган. 15 кишидан иборат маркетинг, ҳамда яна 15 кишидан иборат молия комиссиялари шулар жумласидан. Уларнинг аъзолари маош олмайдилар. Қарорларини бажариш кенгаш директори учун мажбурийдир. Шунингдек, кенгаш пахтачилик бўйича олиб борилаётган барча илмий ишларни мувофиқлаштиради ва заруратга қараб илмий изланишлар учун маблағ ажратади. Шунинг боиси унинг қарори илмий текшириш корхоналари учун ҳам муҳимдир.

Пахта етиштирувчилар, уни қайта ишловчилар, сотиш билан шуғулланувчилар ва кенгаш ўртасидаги иқтисодий алоқалар мукаммал ишлаб чиқилган. Масалан, фермер пахта тозалаш заводига келишилган жадвал бўйича пахтани тозалаганлиги, унинг толасини экспорт қилгунча сақлаганлиги учун ҳақ тўлади. Маркетинг ҳамда кенгаш ходимлари лаборатория харажатларини илмий изланишларга сарф бўладиган харажатларни келишилган ҳолда умумий даромаддан ажратади.

Исроилликларнинг пахта етиштирувчилар кенгаши иш тажрибаси эътиборга лойиқ. Юқорида қайд этилган истиқболли жараёнлар Ўзбекистондаги пахта етиштирувчи хўжаликлар, фермерлар, пахта тозалаш заводларида жорий этилса катта наф беради.

# БИР КОРХОНАНИНГ САККИЗ ХИЛ МАҲСУЛОТИ

Хевада пиру бадавлат бир инсон бор. Етмишни қоралаб қолган бўлса ҳам ҳали бардам. Бекёз оға десангиз, Хоразм воҳасида кўпчилик танийди. Танийдигина эмас — номини эҳтиром билан тилга олиб, ҳурматини жойига қўяди. У раҳбарлик қилаётган нуфузли жамоа ва катта хонадони ҳам фариштаю сариштали, қут-баракали.

Бир пайтлар Хева сут заводи сифатида довруғ таратган бу корхона бугунги кунда хусусийлаштирилган «Беқиёс» ҳиссадорлик жамияти мақомида фаолият кўрсатаяпти. Бекёз оға қарийб 43 йилдан бери шу корхонада. Бу орада қанча сувлар оқиб ўтди. Ёшуллининг ёшлик шижоати, йиллар силсиласидан мисқоллаб тўплаган тажрибалари — таъбир жоиз бўлса, шу уммонга тўлқинлар мавжини олиб кирди. У шу ерда одамлар билан ишлашни, уларнинг қалбига йўл топишни ўрганди.

Икки тарихий шаҳар — кўҳна Урганч билан Хева ораси унча олис эмас. Атиги ярим соатлик йўл. Хева ҳудудига киришингиз билан ўнг қўлдаги корхона дарвозаси гўё истиқболингизга пешвоз. Ногоҳон гуп этиб димоғингизга сут ҳиди урилади. Кўнглингизни қандайдир ажиб бир туйғу чулғайди. Сут — оқлик, сут — покдомонлик тимсоли! Шунда бир даврада Бекёз оға айтган гапни эсладим: «Сутда хосият катта. Кўнглимиз, йўлимиз, ниятимиз ҳам оқ бўлиши керак!»

Бекёз оға ҳузуридамиз. Табиийки, суҳбатимиз корхона фаолияти, ишчи-хизматчилар, уларнинг турмуш тарзи, иқтисодий аҳвол хусусида бўлди. Корхона раҳбарининг айтишича, жамоада 50 нафар киши ишлайди. «Беқиёс!» ҳиссадорлик жамияти сут қабул қилиш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган. Корхона Хева ва Қўшкўпир туманлари хўжаликларидан, аҳолидан сут қабул қилиб олади. «Жамғарма» харид уюшмаси аҳолидан ҳар куни 2 тонна ва ундан ошириб сут харид этаётган бўлса, юқоридаги икки туман хўжаликларидан корхонага 5 тонна сут келади. Демак, бир кунда 7 тонна сутни қайта ишлаш ва шу йўл билан эл фаровонлигига баҳоли

## Қайта ишлаш саноати

кудрат ҳисса қўшиш — жамоанинг эзгу мақсади. Маҳсулот турлари тобора кўпаймоқда. Ҳар куни корхона дарвозасидан савдо пештахталарига сариёғ, пишлоқ, сметана, творог, қаймоқ, қатиқ ва шу каби маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу ерда қаймоқнинг икки хили, сметананинг уч хили, пишлоқ ва қатиқнинг уч хили ҳамда сиропнинг икки хили сифатли тайёрланмоқда. Казеин тайёрлаш ҳам мазкур корхонада республикамизда биринчилардан бўлиб йўлга қўйилган.

«Беқиёс»нинг имкониятлари беқиёс. Биз бир неча цехларнинг иш мароми билан танишдик. Чунончи, пишлоқ, шоколад ва сариёғ ишлаб чиқариш цехларида иш қизғин. Жамоадаги ишчи ва хизматчиларнинг кайфияти чоғ. Уларнинг ўз юмушларидан кўнгли тўқ. Ўртача ойлик маоши 2500 сўмдан ошаяпти.

Корхонада ўз касбининг фидойилари кўп. Механик Абдурашид Абдуллаев, уста Эргаш Машарипов, оператор Шарофат Абдуллаева ва бошқаларни шундайлар сирасига киритиш мумкин. Бекёз оғанинг 3 нафар фарзанди ҳам жамоанинг фаол аъзолари. Давлатназар — катта уста, ишбоши, Муҳаммадназар эса корхона муҳандиси, Баҳодиржон ишчи.

Бекёз оға Ибодуллаев пиру бадавлат отахон. Умр йўлдоши Норжон опа Раҳимова — фариштали, сариштали уй бекаси. Айни чоғда уларнинг 9 нафар фарзанди оила шаънини улуғлаб, турли соҳаларда самарали меҳнат қилишаяпти. Бу хонадонда ўзаро аҳиллик устивор. Фарзандлар орасида раҳбардан тортиб ўқитувчи-ю, ҳамширагача — ҳамма-ҳаммасидан бор.

— «Беқиёс»нинг имкониятларидан айтадиган бўлсам, — дейди Бекёз оға — жамоанинг ҳар бир аъзоси — корхонамиз фахри. Шулар бор — ишимиз олға кетаяпти. Хотиралар, йиллар давомида бир-бирини тўлдирадиган, қайтарилмас воқеалар бисёр. Фаолиятимни шу соҳада бошлаб, эндиликда ёшларга иш ўргатаётганлигимдан мамнунман. Меҳнат — инсонни маънавий жиҳатдан ҳам тарбиялайди. Бу ҳақда кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Корхонамизни замонавий техника воситалари билан бойитаяпмиз. Чет элдан ускуналар сотиб олдик. Бу эса маҳсулот ҳажмини оширишда жуда қўл келаяпти.

Корхонанинг ўз иссиқхонаси ва ёрдамчи хўжалиги бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилаяпти. Айни вақтда иссиқхонада ғарқ пишиқчилик бўлса, ёрдамчи хўжалик ихтиёридаги 40 бошга яқин қорамол ва қўй кўнгилдагидек парвариш топмоқда. Шунингдек, корхонанинг Хева шаҳридаги 5 та дўкони аҳолига узлуксиз савдо хизмати кўрсатаяпти. Уларда корхона тамғаси билан ишлаб чиқарилган сут ва сут маҳсулотлари сероб.

Меҳр-оқибатли халқимиз савоб ишларни ҳам ўз жойига қўяди. «Беқиёс» жамоаси хайрли тадбирларни унутишгани йўқ. Айниқса, ҳозирги Рамазони шариф кунлари бу тадбир қамрови ошиб бормоқда. Яқинда Хевадаги «Қариялар уйи»га 6 минг сўмлик корхона маҳсулотлари бепул берилди. Бир қатор боғча ва мактаблар ҳам сут ва сут маҳсулотлари билан йил бўйи таъминланиб келинмоқда. Шаҳардаги кўзи ожизлар мактаби жамоаси ҳам донгдор жамоа мурувватидан баҳраманд.

Элимиз яхшиларни ҳамиша эъзозлайди. Шу боис Бекёз оға Ибодуллаевни ҳамма олқаб, «Илойим, умрингиздан барака топаверинг!» дейишоқда.

**Абдулла ТУРДИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# ЧЎЛГА ОБ-ҲАЁТ КЕЛДИ

Мамлакатимизда инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йил ҳайрли бошланди. Бухоро вилоятининг қўриқ Қоровулбозор туманида деҳқончиликни янада ривожлантиришда дадил қадам қўйилди. Буерда «Дўстлик» насос станцияси фойдаланишга топширилди.

Янги станция Аму—Бухоро машина канали сувини 60 метр юқорига етказиб беради. Қудратли қувурлар ёрдамида секундига 20 кубметр Амударё суви дашту биёбонларга етказиб берилади — яқин келажакда Қоровулбозор туманида беш минг гектар янги ер ўзлаштириш, 20 минг гектар суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имкони пайдо бўлади.

«Дўстлик» насос станциясини барпо этишга юз миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Мутахассислар фикрича, яқин бир-икки йил ичида янги ўзлаштирилаётган ерларда мўлкўл ҳосил етиштириш ҳисобига харажатлар тўла қопланади. Пахта, ғалла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари мўл-кўл бўлади.

**(ЎзА).**

* * *

Марҳамат туманининг «Машъал» ва Тўхтасин Мирзаев номидаги жамоа хўжаликларида экинларни суғориш муаммоси ҳал бўлди. Бу хўжаликларнинг деҳқонлари асосан адирларни ўзлаштириб, техника экинлари етиштириш билан шуғулланади, Тўхтасин Мирзаев номидаги жамоа хўжалигида жанубий Фарғона каналидан сув чиқариб берадиган кучли насос станцияси ишга тушди.

Янги иншоотни «Андижонирригацияқурилиш» трестининг тумандаги бўлинмаси ишчилари жуда қисқа вақт ичида қуриб битказишди. Шу баҳордаёқ 600 гектар экин майдонини суғориш ишларини яхшилашга имкон туғилди.

Илгари бу адирларга сув чиқариш учун турли насослардан фойдаланиларди ва ортиқча меҳнат ҳамда энергия сарфлашга тўғри келарди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи ошиб кетарди. Янги сув иншоотининг ишга тушиши туфайли Марҳамат туманидаги хўжаликларда ғалла ва озуқа экинлари етиштириш, боғ ва узумзорлар, тераkзорлар барпо қилиш учун тоғ ёнбағирларидан юзлаб гектар ерни ўзлаштириш имконияти пайдо бўлди.

**(ЎзА ).**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

● ИТАЛИЯ фирмаси билан ҳамкорликда иш бошлаган Нукус мармарга ишлов бериш қўшма корхонаси маҳсулотнинг дастлабки туркумларини буюртмачиларга жўнатди. Ҳамкорлик самараси ўлароқ бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш купайди, сифати яхшиланди, ишчилар моддий манфаатдорлиги ортди.

* * *

● НУКУС туманидаги «Қизил уй» жамоа хўжалигида қишки таътилдан сўнг машғулотлар 464 ўринли янги мактабда бошланди. Ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун талай қулайликларга эга булган бу билим масканини «Оролсувқурилиш» бирлашмасининг 18-кўчма механизациялашган жамламаси қурувчилари бунёд этди.

* * *

● ЭЛЛИКҚАЛЪА туманидаги Қилчиноқ овулида насос станцияси фойдаланишга топширилди. Олти насос ёрдамида Амударёдан секундига 15 куб метр сув чиқариб берилади. Шу туфайли 10 минг гектар ер сувга сероб бўлади.

# ЧОРВАЧИЛИК

## уддасидан чиққанга сердаромад соҳа

Қор ёғмоқда. Она замин оқ парқуга бурканган. Ён-атрофга синчков назар ташларканман мустақиллик йилларида она қишлоғимизда рўй берган ўзгаришлар, бир-биридан шинам бинолар руҳимни кўтаради. Инсон не-не орзу ҳаваслар билан яшайди. Меҳнати юзага чиқиб, иззат-икром топса қандай яхши. Шукрки, ҳосиятли касбни эгаллаб кам бўлмадим. Бироқ ҳаётда ҳамма нарса осон кўчавермайди. Қарамоғимдаги молларни кўнгилдагидек парваришлаш, маҳсулдорликни ошириш йўлида куйиб-пишишга тўғри келди. Баъзида қишни азоб билан ўтказдик. Бироқ омилкорлик, ишбилармонлик туфайли муаммолар бирин-кетин ҳал этилди.

Очиқ турдаги «Кеш» ҳиссадорлик жамияти бошқарувнинг янги шаклига ўтди. Молларни озиқлантириш, сут соғиш каби тадбирлар янги технология асосида амалга оширилмоқда. Пировард натижа учун ҳамма ўзини масъул деб билади. Ўтган йили сут етиштириш режаси 130 фоизга бажарилди. Ҳар қачонгидан кўп гўшт тортиқ этилди. Озуқа етиштиришга муносабат тубдан ўзгарганлиги, ишлар пухта режа асосида амалга оширилганлиги туфайли маҳсулот таннархи бултур бурноғи йилга нисбатан 3,5 баравар арзонлашди. Энг қувончлиси ҳиссадорлик жамияти 4,5 миллион сўм соф даромад қилди. Шу қишли-қировли кунларда ҳам маҳсулдорликни камайтирмасликка ҳаракат қиляпмиз. Бўрдоқига боқилаётган моллар сони яқин вақт ичида 3500 тага етказилади. Масъулиятли мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. 1537 тонна силос, 1350 тонна сенаж, 1050 тонна сули силоси, 240 тонна лавлаги, 2840 тонна ширали озуқа, 617 тонна беда пичани, 1000 тонна дағал хашак жамғарилган. Ўзаро манфаатли шартномага кўра турли туманлардан моллар келтирилмоқда. Уларни яхшилаб парваришлаб, мўлжалдаги вазнга етказиб эгаларига қайтарамиз.

Иқтисодий ислоҳот кенг имкониятлар яратди. Иноқ жамоамизда 70 нафардан зиёд сигир соғувчи ва молбоқар фаолият юритаяпти. Унумли ишлаб, кўнгилли дам олиш учун шароит муҳайё этилган. Ун, ёғ, гуруч каби неъматлар вақтида келтирилмоқда. Шу кунларда ҳар говмишдан ўрта ҳисобда 8 килограммдан маҳсулот олаяпмиз. Чорвадорлар моддий манфаатдорлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Ҳиссадорлик жамияти қарийб 11 миллион сўмлик акция чиқарди. Унинг 1 миллион 65 минг сўми эркин савдода, 1,5 миллион сўми эса ходимларга тарқатилди. Бунинг нафи катта бўлаяпти. Йирик жамоа ўзини тутиб олди. Пешона тери эвазига олинаётган маблағнинг бир қисми қишлоқларни газлаштириш, уй-жой қуриш ишларига сарфланмоқда. Ўтган йили Чоштепа, Янгиқишлоқ каби Шаҳрисабзнинг аҳолиси зич яшайдиган қишлоқларининг бир қисми табиий газ, ичимлик суви билан таъминланди. 50 ўринли боғча, кундузги стационар, 10 та савдо шохобчалари, қатор кичик корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Сўнгги йилларда қатор хўжаликларда чорва туёқ сони камайиб кетди. Англашимча мутасаддилар ўзларига тегишли хулосалар чиқаришмоқда. Иноқ жамоамиз зотли моллар сонини кўпайтиришдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Н. ОЧИЛОВА,**
**сигир соғувчи.**



**Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ёрдамчи хўжалигида 510 бош наслдор мол парваришланаяпти. Бу ерга икки ярим йил олдин Голландиядан зотдор 286 бош ғунажин келтирилган эди. Ҳозир ҳар бош соғин сигирдан кунига 22-25 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинаётир. Корхонанинг болалар боғчалари, профилактория ҳамда ошхонаси сут ва сут маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминланмоқда.**

**Фермада жониворларни парваришлаш Исроил технологияси асосида ташкил этилган. Зотдор новвослар аукционда сотилиб комбинатга мўмай даромад келтираяпти.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Энг зотдор сигир. 2. Сигирлар автоматлаштирилган мосламаларда соғилаяпти.**

**Р. НУРИДДИНОВ олган суратлар.**



## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**ҚЎҚОН механика заводида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш тури яна биттага кўпайди: пўлат сандиқлар тайёрлашга киришилди. Юқори сифатлилиги ва нисбатан арзонлиги туфайли Қўқон сейфларига ҳозирдаёқ буюртмалар кела бошлади.**

***

**САМАРҚАНДДАГИ «Тоҳирий» хусусий-савдо ишлаб чиқариш фирмаси эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил эттан «Пируз» қўшма корхонаси шинам уй-рўзғор жиҳозлари — стол-стул, диван-кресло ва бошқа буюмларни кўплаб етказиб бера бошлади. Маҳсулотнинг бир қисми Эрон ва Туркияга жўнатилмоқда.**

# ПАРРАНДАЧИЛИК НЕГА ОҚСАМОҚДА

Республикамизда 1970-1990 йилларда паррандачиликни ихтисослаштириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 22 та тухум, 28 та гўшт йўналишидаги фабрикалар ва 19 та наслчилик репродукторлари қурилиб ишга туширилди. Уларда 21.094 ишчи жойлари ташкил этилди. Тадбирлар шарофати билан 1990 йилда мамлакат паррандачилик фабрикалари 1,5 миллиард дона тухум, 70 минг тонна парҳез гўшт етиштиришга эришилди. Ҳозирги кунда эса саноат паррандачилигидаги қувватлар йилига 2 миллиард дона тухум, юз минг тонна парранда гўшти етиштириш имкониятига эга. Бахтга қарши бирёқламалик, муҳим соҳага панжа орасидан қараш оқибатида паррандалар бош сони, маҳсулот етиштириш йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Қаранг, ўтган йилни 1990 йилга таққослаганда гўшт етиштириш 4,6, тухум етиштириш эса 10 баравар камайди.

Тармоқда ташвишли ҳолнинг вужудга келиши озуқа заҳирасининг ночорлиги, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаётганлиги, ўзибўларчилик оқибатидир. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган омихта емларга маккажўхори, буғдой, арпа кабилар давлат андозасига нисбатан 2-3 марта кам қўшилмоқда. Балиқ уни, гўшт-суяк уни, оқсиллик-витаминли концентрат, витаминли ўт уни ҳамда премикслар деярли озуқа таркибида учрамайди. Бундай камчиликлар оқибатида маҳсулот бирлиги учун сарфланаётган лимит сарфи йилдан-йилга кўпайиб, таннарх ошиб кетмоқда. Масалан, республика фабрикаларида 1990 йилда мингта тухум етиштиришга 2,33 центнер озуқа бирлиги сарфланган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 3,51 центнер озуқа бирлигини ташкил этди. Демак, 1,6 баравар кўпайди. Бундан ташқари «узрли» сабабларни рўкач қилиб паррандачиликни осонгина тугатган хўжалик раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Юқоридаги долзарб муаммолар ҳал этилмас экан, тармоқда иш ўнгланмайди.

**М. НИЁЗОВ.**

# ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНГА ЕТМАЙДИ

Бозор муносабатлари талабига мос тарзда фаолият юрита бошлаган Бешариқ тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти йилни муваффақиятли якунлади. Минг тоннадан зиёд калава ип, қарийб тўрт миллион метр газлама, шунингдек минглаб сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Ҳиссадорлик жамияти энди қаердан хомашё харид қилиш ва маҳсулотни кимга сотиш масалаларини ўзи ҳал этмоқда. Мустақил иш юритиш ички имкониятларни тўла ишга солиш, ҳаражат ва даромадни пухта ҳисоб-китоб қилишга ундамоқда.

— Илгари молиявий қийинчиликлар туфайли ишлаб чиқариш қувватидан тўла фойдаланилмас эди, — дейди жамият раиси Р. Оллоберdíев. — Ўтган давр мобайнида аҳвол тубдан ўзгарди. Бу йил эса оладиган соф фойдани 14 миллион сўмга етказишни ният қилиб турибмиз. Жорий йилда 1400 тоннага яқин калава ип, олти миллион метр газлама ишлаб чиқариш режалаштирилган. Беш юз минг метр газлама, 40 тонна калава ипни хорижга сотиш мўлжалланган.

Чет эл билан ҳамкорликни йўлга қўймаган корхонанинг истиқболи йўқлигини теран англаган ҳиссадорлик жамияти аъзолари Германия ва Туркия ишбилармонлари билан қўшма корхона очиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолади. Тез кунларда бу ерда Швейцария ва Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши туфайли қўшма корхона юқори сифатли калава ип ишлаб чиқара бошлайди. Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилда Бешариқ тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган талайгина тадбирларни ишлаб чиққани ҳам қувонарлидир. Зотан, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар юртдошларимиз фаровонлиги, эл-юрт равнақини кўзлаб амалга оширилмоқда.

**Ш. ВАЛИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Шифокорлар ҳақида ҳикоялар*



# НАЖОТКОР

Илҳомжон мактабда ўқиб юрган кезлари келажакда отаси Ғуломжон ака ва онаси Тўхтаниса опа сингари педагог бўлишни орзу қиларди. Чунки уларнинг иккалалари Пискентда халқ таълими соҳасида узоқ йил ҳалол меҳнат қилиб катта обрў эътиборга сазовор бўлишганди. Аммо 1975 йили оилаларида юз берган нохуш воқеа 7-синфда ўқиётган ўсмирнинг орзу ўйларини ўзгартириб юборди. Ушанда Низомий номли мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаётган отаси тўсатдан оғир дардга чалинди, узоқ вақт азият чекди. Ҳатто касалхонадан чиққанидан кейин ҳам бирмунча вақт қўлтиқ таёқда юрди. Шунда Илҳомжон ҳаётда инсон учун энг биринчи зарур нарса саломатлик эканлигини идрок этди. Келажакда албатта оқ халат соҳиби бўлиб, дардманд одамларга ёрдам бериб яшашни ният қилди.

Мактабни битиргач, ҳужжатларини Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳига топширди. Гарчи аъло баҳолар билан ўқиган бўлишига қарамай дастлабки йиллари омади чопмади. Лекин шифокор-жарроҳ бўлишга астойдил аҳд қилган Илҳомжон ниҳоят учинчи йили институт толиби бўлди. У имкониятдан унумли фойдаланиб бутун кув-қувватини билим олишга сарфлади. Бу йўлда унга олийгоҳнинг тажрибали ўқитувчилари Ирина Прахорова, Эркин Усмонов, Тоҳир Қаюмов яқиндан ёрдам бердилар.

Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тамомлагач, ўзи туғилиб ўсган Пискентга йўлланма билан келди. Шифокор иштиёқ билан туман ҳудудий тиббий бирлашмасининг жарроҳлик бўлимида иш бошлади, тез орада қўли енгил жарроҳ сифатида тилга тушди. Илҳомжонга олий тоифадаги шифокорлар — Меҳринисо Худойбердиева, Озод Акбаров ва Раҳимжон Ғафуровлар устозлик қилдилар.

Тинимсиз изланиш туфайли аста-секин мураккаб жарроҳлик ишларига иккиланмай қўл ура бошлади. Унинг номи Бўка, Урта Чирчиқ ва Бекобод туманларида ҳам тилга тушди. Мазкур туманлардан ҳам жарроҳни сўраб беморлар кела бошлашди. Айниқса 1992 йили касалхонага беҳуш келтирилган Аваз Олимовнинг шифокор қўлида соғайиши уни кўпга танитди.

Уша куни бўлимда навбатчи эди. Мудир малака оширишга кетган, қолган жарроҳлар тунда навбатчиликни ўтаб уйларига қайтишганди. Беморнинг оғир ҳолати Илҳомжонни ҳушёр торттирди. Бемор ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси яллиғланиши натижасида касалхонага келгунига қадар анча қон йўқотган, ҳаёти қил устида турарди.

Тошкент-Пискент оралиғидаги масофа эса салкам 65 километр. Кутилаётган мутахассис етиб келиши учун камида икки соат вақт керак. Бемор эса тобора сўлиб бораяпти. Хўш, шундай шароитда нима қилиш керак?

— Операцияга тайёрланглар, — деди Илҳомжон ишонч билан.

Операция бошланди. Тошкентлик мутахассис роса 1,5 соат ўтгандан сўнг етиб келди. 55 ёшлар чамасидаги жарроҳ Илҳомжоннинг ҳаракатларини кузатар экан — Диққатингизни бўлманг ўғлим, ҳамаси тўғри кетаяпти, деди.

Чамаси бир қарич ичак кесилиб ўрнига сунъий ичак улаш лозим эди. Шу жараён бошланганда Илҳомжон қаршисидаги жарроҳга қаради.

— Ҳаммаси тўғри, бўшашманг.

Операция 5 соат давом этди. Ниҳоят бемор кўзини очди. Юрак уриши ҳам маромига тушди. Ҳаёт-мамот учун кураш муваффақиятли якунланди. Шундан сўнггина Илҳомжон тошкентлик шифокорга жилмайиб қаради.

— Баракалла ўғлим, ёшингиз нечада?

— Яқинда 31 ёшга тўлдим.

— Изланишдан тўхтаманг, сиздан ажойиб жарроҳ етишиб чиқади ҳали. У бу гапларни туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари билан бўлган суҳбатда ҳам алоҳида таъкидлади.

Бугун эса ўша башорат ижобат бўлгандай. Эндигина 35 ёшни қаршилаган Илҳомжон Йўлдошев Пискент туманининг бош жарроҳи ҳисобланади. Қотмадан келган, бўйчан бу йигитни қачон қараманг беморлар орасида кўрасиз. Қўлидан шифо топганлар сон-саноқсиз. Расмий ҳужжатларга кўра ёш жарроҳ ўтган йиллар мобайнида 700 дан зиёд катта-кичик операцияларни бажарди. Илгари унинг ўзи шогирд эди, энди эса Акрам Матқаюмов, Мамадали Усмонов, Усмонжон Охунов, Клара Абдураҳмонова, Мунисхон Маликова ва Феруза Расуловалар Илҳомжонни устоз деб биладилар. Бугун Илҳомжондан кўпчилик миннатдор. Чунки у бош жарроҳ ва бўлим мудири сифатида эл-юрт саломатлиги йўлида фидойи меҳнат қилмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ.**

**Суратда: жарроҳ И.Йўлдошев (ўртада) операция пайтида.**

**Д.АҲМАД олган сурат.**

# СУҲБАТ ОДОБИ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Шарқу ғарб алломалари, мутафаккирлари, олиму донишмандалари ўз суҳбатларидан шогирдлари ва ихлосмандларини баҳраманд этганлар. Уларнинг суҳбатларида энг долзарб масалалар ҳал қилинган. Мураккаб асарлар ўқилиб пирлар, устозлар тарафидан шарҳланган. Бундай суҳбатларнинг ўз одоб доираси, тартиби ва қоидалари бўлган. Алишер Навоийнинг замондоши, кўп илмлар билимдони Ҳусайн Воиз Кошифий «Футуватномаи султоний» рисоласида суҳбат одоби ҳақида бундай ёзган:

«Билгилки, одамзоднинг шарафи нутқ билан. Нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебаҳрадир. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул. Мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам риоя қилиши зарур бўлган бир қанча суҳбат одоби мавжуд. Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар айттилки, қуйидаги саккиз қоидани сақлашлари керак, биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағаллик қилмасдан лутфан мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзнинг қадр-қиммати бўлмаса, уни тилга олмасин. Чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ва чириган бўлса, уни қаерга экманг униб чиқмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг суҳбат одоби нечта деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айттил. Биринчидан, сўрамагунларича гапирмасин. Иккинчидан, гапираётганда овозини баланд кўтармасин. Учинчидан, гапираётганда ўнгу сўлга қарамасин. Тўртинчидан, ғаразли ва кинояли гапларни гапирмасин. Бешинчидан, қаттиқ гапирмасин ва бетта чопарлик қилмасин. Олтинчидан, пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин. Еттинчидан, одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин. Саккизинчидан, кўп гапирмасин, чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам соз гапиришни шиор этсин.

Агар қайси тил билан сўз сўзлайсан деб сўрасалар, сидқу садоқат тили билан, деб айттил. Сўзни қайси қулоқ билан эшитасан, деб сўрасалар, қабул қулоғи билан, деб айттил. Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айттил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди. Агар нуқсонли сўз қайсидир деб сўрасалар. Худо ва Расулнинг сўзига мувофиқ келмайдиган сўз деб жавоб бергил.

Яхши сўз қайси, деб сўрасалар, кишиларга нафи тегадиган сўз, деб айттил. Ёмон сўз қайси деб сўрасалар, бировга зарари тегадиган сўз деб жавоб бергил».

Фалсафа тарихи билан таниш бўлганларга маълумки, машҳур донишманд Суқрот ҳам ўз шогирдларига асосан суҳбатларда, савол-жавоб асосига қурилган мунозараларда таълим ва тарбия берган, энг қийин муаммолар унинг суҳбатларида ҳал этилган. Суқротнинг буюк шогирдларидан бўлмиш Афлотун (Платон) ҳам шогирдлари билан дарсларни хиёбонда сайр қилиб юриб ўтган. Афлотун кўп асарларини суҳбат тарзида ёзиб қолдиргандир. Афлотуннинг шогирди Арасту-Аристотель кўп машғулотларни шу хиёбонда ўтказган ва пери-патетик мактабга асос солган, деб ҳисобланади. Юнонча сўз peripateo — сайр этаман деган маънодадир. Кейинчалик шундай услубда ҳатто аниқ фанлар ҳам ўқитилган экан. Демак, суҳбатда риоя қилиниши зарур бўлган одоб қоидалари биз учун ўта муҳим ва катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Амир Темур ва темурийлар саройларида Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий даврларидаги суҳбатлар ҳақида тарих саҳифаларида маълумотлар қолган.

Ҳусайн Бойқаро тузган суҳбатлар ҳам латиф, серзавқ ва мазмундор бўлган. Зайниддин Васифийнинг ёзишича баъзи суҳбатларнинг қатнашчиларини Ҳусайн Бойқаро ўзи тузган рўйхат бўйича таклиф этган.

Машҳур «Қобусинома»да сухандонлик бобида қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади ва булар суҳбат одобига тааллуқлидир:

Ёлғон гапирмаслик, рост гапираман деб бировга озор бермаслик, яхши сўзлар гапириш, токи ундан бошқалар завқ олсинлар. Гапираётганда гапнинг маъносини билиб гапириш токи тўтига ўхшаб қолмаслик. Бирор нарса дейилмоқчи бўлинса ўз вақтида айтиш. Билмаган илмдан ҳовлиқиб сўз юритмаслик. Кўпчилик орасида бировнинг қулоғига гапирмаслик. Совуқ сўзлар гапирмаслик, чунки «Совуқ сўз бир тухум (уруғ)дир, ундан душманлик пайдо бўлур». Айниқса донишмандларнинг сўзларига диққат билан қулоқ солиш. «Қобусинома»да бу хусусда ибратли бир ҳикоят келтирилган.

«Ундоқ эшитдимки, бир кеча Хорун ар-Рашид бир туш кўрдиким оғзидан барча тишлари тўкилмиш. Эрта тонг туриб бир муаббирни чақириб сўрадиким», бу тушнинг таъбири недур? Муаббир деди: «Эй амирал-мўъминин, сенинг олдингда барча хеш, ақрабо ва қариндошларинг ўлгусидир. Андоғким, сендин ўзга ҳеч киши қолмағувчидир». Бу сўзни эшитган Хорун ар-Рашид: «Менинг юзимга бундоқ дардлиғ ва андуҳлиғ сўзни айтдинг. Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен қандоғ ишга ярарман ва на янглиғ рўзғор сурарман?» деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди. Сўнг бошқа бир муаббирни чақириб, тушини унга таҳрир қилди. Муаббир деди: «Эй амирал мўъминин, сенинг умринг барча ақробаларинг умридан узоқ бўлур». Хорун ар-Рашид деди: «Барча ақлнинг йўли бирдур ва икковини таъбирининг негизи бир ерга борур, аммо бу иборат ила ул иборатнинг орасида фарқ бағоят кўпдир». Буюрди, сўнгги муаббирга юз тилло бердилар».

Суҳбатга бораётган одам яна қуйидагиларга эътибор бергани маъқул: ораста бўлмоғи, яъни соч-соқол текисланган, тирноқлари олинган, покиза кийинган бўлиши, яъни бировнинг сўзини бўлмай тоқат қила билиши, ножўя ҳазиллар, суҳбатдош ғашига тегадиган ҳаракатлар қилмаслиги, оёғини ушлаб ўтириб сўнг дастурхондаги неъматларни ушламаслиги керак.

Ҳаммамиз ҳам албатта, бирор суҳбатда бўламиз ва агар ундан баҳраманд бўлсак кўп вақтлар уни эслаб юрамиз. Суҳбатлар ичида энг мўътабари бирор уламо, билимдон, шоир ва адиб ҳузурида мунтазам бўлиб турадиган суҳбатлардир. Бундай суҳбатларнинг фойдаси ва завқи кучли бўлади. Шунга ўхшаш маърифий суҳбатлар Ғафур Ғулом, Воҳид Абдуллоҳ, Чархий, Чустий, Ҳабибий даврларида ҳам бўлганини мамнуният билан эслайдилар. Бундай суҳбатларга етишишни орзу қилганлар, улардан баҳра олиш мақсадида шаҳардан шаҳарга боришдан эринмаганлар. Чунки суҳбатларда янги асарларга мавзулар туғилади, шоирлар янги шеърлар ёзади, мушоиралар қиладилар. Мусиқачилар, созандалар, ҳофизлар ўз мусиқа ва хонишларига сайқал берадилар.

Улуғларимизнинг суҳбатлари самимий, латиф ва мулойим бўлган. Кўпчилик бундай суҳбатлар бир неча ўн йиллар давомида давом этган ва ўз латофати ва лаззатини йўқотмаган. Яна бир турли олиймақом суҳбатларни ҳам эслатиб ўтиш зарур. Булар — Навоийхонлик, Бедилхонлик суҳбатларидир. Бундай суҳбатларда ҳазрат Навоий ва ҳазрат Бедил шеърлари, байтлари ўқилиб шарҳлар қилинган, улардаги бекиёс маъно қирраларини топиб завқланганлар ва уларга эргашиб ижод қилганлар.

Азизлар, ҳаммага яхши суҳбатдошлар, ширин, мазмунли суҳбатлар насиб этсин.

**Урфон ОТАЖОН.**

# УШАЛГАН ОРЗУ

*Шукрона*

Деҳқон орзу қилган қор ҳам ёғди. Серфайз ҳовлидаги дарахтлар оқ либос кийди. Ая ёнатрофга завқ билан боқаркан, ўзида қандайдир енгиллик ҳис этди. Сўнгги кунларда дарди анча енгиллашгандек, невараларининг бақириб-чақиришлари ҳам хуш ёқяпти. Орзуси ушалганидан қалби жунбушга келди. Қарангки, 60 йил деганда орзуси ушалди.

Ҳаёт мураккаб, ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Оғир кезлар эди ўшанда. Ковордон қишлоғида «Меҳнат — бирлик» колхози тузилди. Уша кезлар Раҳима мактабда ўқирди. Отаси Давил ака сувчилик қиларди. Бир куни кутилмаганда аллақандай бесаранжом кишилар келишди. Улар сўраб-суриштирмай отасини машинага ўтказиб олиб кетишди. Кейин билишса бечора сувчини «бойнинг ўғли» деб топишибди. Кўп ўтмай Давил миробга янги тамғалар осилиб уйи мусодара қилинди. Оила аъзолари кўчада қолишди. Айбсиз айбдорлар уч йил дарбадарликда ҳаёт кечиришди. Раҳима хўрлиги келиб куюнар, бироқ жажжи укаларини ўйлаб базўр иродасини қўлга оларди. Бахтларига ҳақ қарор топди. Мироб Давил Норматов оқланди. Афсуски, у нуридийдаларини бағрига босолмади. Қамоқхонада кўрган азобу уқубатлари оқибатида саломатлигидан айирилган. Армон билан оламдан кўз юмди. Яхшилар ёрдамида адолатсизларча тортиб олинган янги уй эгаларига қайтарилди.

Рўзғор ташвиши ўқувчи қиз зиммасига тушди. Раҳима колхозда ишлай бошлади. Узи каби меҳнатсевар, оққўнгил ҳамқишлоғи Бойали Тешабоевга турмушга чиқди. Йиллар ўтди. Ҳалол меҳнат Р. Давиловани кўпчиликка танитди.

Уруш бошланди. Барча қатори умрдоши ва укаси ҳам фронтга отланишди. Оғир кезларда аёллар, қариялар ишнинг оғирини зиммаларига олдилар. Ғалла, пахта етиштиришда бошқалар қатори Раҳима ҳам жонбозлик кўрсатди.

Уша кунни ая асло унутмайди. Ғўза гул кўрсатган ой. Узоқдан хат ташувчи кўринди. Кўргилик, эридан қора хат келганди. Бу ҳам етмаганидек кўп ўтмай укаси Турғунжон ҳам оғир жангларда ҳалок бўлганлиги маълум бўлди. Айрилиқ дарди қанчалик оғир бўлмасин яшаш керак. Фидойи аёл дугоналари Руқия Мирюнусова, Уғилбиби Миртурсунова, Ҳури Ортиқова, Баҳринисо Пардахўжаева, Умринисо Сиддиқхўжаева кабилар билан далада чинакам фидойилик кўрсатди.

Урушдан сўнг ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, ташкилотчи Раҳимахонни звено бошлиғи этиб сайлашди. Биринчи йилиёқ юқори натижага эришилди. Раҳимахон ёнатрофдаги воқеа-ҳодисаларни, одамларнинг муомала-муносабатларини синчков кузатаркан нимадандир кўнгли тўлмасди. Шиорбозлик, қуруқ мақтовлар кўп. Бироқ меҳнаткашга ғамхўрлик амалда унча кўринмасди. Қишлоқлар йиллар мобайнида қашшоқлигича қолди. Аҳоли газ у ёқда турсин, ичимлик сувига қийналди. Биргина телевизорни тузатиш учун қанчадан-қанча йўл босиб район марказига боришга тўғри келарди.

Раҳима аяни пенсияга кузатишди. Кўнглидан кечаётганини бировга айтишга истиҳола қиларди: шунча ёшга кирибди-ку, меҳнати бир маротаба бўлсин муносиб равишда тақдирланмабди. Қуруқ мақтовлар эса шунчаки бир алдовдек бўлиб кўринди энди. Шундай бўлсада ая фарзандлари даврида шукр қилиб яшарди. Мустақиллик миллионлар қатори юқоричирчиқлик бу муштипар онаизорга ҳам олам-олам қувонч бағишлади. Ниҳоят унинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди: Узбекистон Президентининг фармони билан Раҳима Давилова «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

— Етмиш беш ёшга кириб очиғи, бунчалик ҳаяжонланмаганман, — дейди ая хурсандчилигини ифодалаб. — Юртбошимизга қуллуқ. — Ул зотни дил-дилдан дуо қилиб, чинордек умр тилайман!

**Л. ЭРГАШЕВ.**

# МАКТАБ ВА ШИФОХОНА ИШГА ТУШДИ

● ҚАРШИ туманидаги Бешкент жамоа хўжалигида Авлиёқул Саидов номли мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. 624 ўринли бу мактабда ўқувчиларни пухта билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Мактабни «Қаршиқурилиш» бирлашмасининг 12-механизациялашган кўчма идораси бунёдкорлари қуриб берди.

Китоб туманида эса 120 ўринли шифохона ишга тушди. Бу ерда юқумли касалликларга чалинган беморлар даволанади. 19-»Деҳқонқурилиш» трестининг 226-механизациялашган кўчма идораси қурувчилари бунёд этган бу шифохона энг янги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган..

* * *

● ФАРҒОНА вилояти Қува туманидаги Новкент қишлоғи мактаб ўқувчилари қишки таътилдан сўнг машғулотларни янги мактаб биносида бошлади. Бу ерда 406 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Мактабнинг кенг ва ёруғ синф хоналари замонавий ўқув анжомлари ҳамда кўргазмали қуроллар билан жиҳозланди.

## *ТУРФА ОЛАМ*

### БИР ИЛДИЗДАН

Узбек олимлари Тянь-Шань тоғларига илмий экспедицияга бориб, ажойиб бир олмазорга дуч келдилар. Олмазордаги ҳамма дарахтларнинг меваси сидирғасига йирик ва бир хил рангда эди. Бу нарса олимларни қизиқтириб қолди.

Утказилган текширишлар натижасида маълум бўлдики, олмазордаги 600 дарахтнинг ҳаммаси тармоқ отган битта йирик илдиздан ўсиб чиққан экан.

### ХАБАРЧИЛАР

Япониянинг баъзи жойларида балиқнинг айрим турларини айтайлаб ўрчитиб, аквариумда сақлашар экан. Агар ер қимирлайдиган бўлса, ундан бир неча соат илгари, аквариумдаги балиқчалар безовталаниб, ўзларини ҳар томонга уриб уй эгасини яқин фурсат ичида ер қимирлаш хавфи борлигидан хабардор қилади.

### «ШАЙТОН ДАРАХТИ»

Шимолий Африкада бир дарахт ўсади. Маҳаллий аҳоли уни «Шайтон дарахти» деб атайди. Жуда кўп шов-шувларга сабабчи бўлган бу дарахнинг ғалати хусусияти яқинда маълум бўлди.

Дарахт илдизларидаги кўп миқдордаги фосфор унинг тунда нур чиқариб туришини таъминлар экан. Бу сирни билиб олган ерлик кишилар тунда ҳам дарахт ёнига келиб китобхонлик қиладилар.

### ГУЛ БАЛИҚ

Тўпалон дарёсини кўпчилик яхши билмаса керак. Бу дарё жанубий Ҳисор тоғларидан бошланиб, Сурхондарёга қуйилади. Шовқин солиб тез оққани учун одамлар унга «Тўпалон дарё» деб ном беришган.

Дарёнинг юқори қисмида форель балиғи учрайди. Унча катта эмас. Узунлиги 25-30 сантиметр ва оғирлиги 200 граммдан бир килограммгача бўлади.

Форель алиғи жуда ҳам чиройли. Танасидаги тангачалар ҳар хил рангда товланиб туради. Унинг ташқи кўринишига қараб, маҳаллий аҳоли уни «Гул моҳи» («Гул балиқ») деб аташган.

**А. МУХАМЕДОВ тайёрлади.**

# ЯНГИ СПОРТ МАЖМУИ

**Андижон вилояти Бўз туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби янги бинога кўчиб ўтди. Янги бино 66-механизациялашган кўчма колонна ишчилари томонидан қуриб битказилди.**

**Янги бинодаги синфхоналар ва машқ заллари замонавий спорт анжомлари ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Эндиликда бу ерда саксон нафарга яқин бола ҳар куни спортнинг етти хил тури билан шуғулланмоқда.**

**Янги спорт мажмуи туман ҳокимлигининг мадади билан ҳамда жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш фирмаларининг молиявий ёрдамида қурилди.**



**Узоқ кутилган қор қалбларга завқу шавқ бағишлади.**

**Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

**ҲОМИЙ:**
**«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси**

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Руйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 05, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.